

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2020 йил август ойининг 21 куни жиноят ишлари бўйича Шўрчи туман суди, ўз биносида очик суд мажлисида, судья М.А.Хакимовнинг раислигида, Т.Тажиевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Шўрчи туман прокурорининг катта ёрдамчиси У.Хасанов, айбланувчи [REDACTED] ва унинг химоячиси Б.Мирзакулов, жабрланувчи [REDACTED]нинг иштирокида,

[REDACTED], 1999 йил 6 сентябрь куни Сурхондарё вилояти Шўрчи туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, бўйдоқ, маълумоти ўрта-махсус, вақтинча ишсиз, мукаддам судланмаган, Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани «[REDACTED]» маҳалла фуқаролар йиғинида яшайди, унга нисбатан «муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат» эҳтиёт чораси қўлланилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан айбланувчига оид 1-1914-2001/88-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов органи ҳужжатларига кўра, [REDACTED] 2020 йил 14 апрель куни соат 23:30 ларда Шўрчи тумани «[REDACTED]» маҳалласида яшовчи фуқаро [REDACTED]нинг яшаш уйига илгаридан зиддият ва адовати бўлганлиги сабабли бориб дастлабки тергов давомида аниқлашнинг имкони бўлмаган таёқ билан [REDACTED]нинг боши ва танасининг турли жойларига уриб тан жароҳати етказган.

Шўрчи тумани СТЭБнинг 28.04.2020 йилдаги №236-сонли хулосасида фуқаро [REDACTED]нинг баданида бошининг чап тепа соҳасида, бошининг энса соҳаси чап томонида яралари ва шиши, чап елка юқори учлиги, олдинги, ташқи юзаларида кўндаланг-қийшиқ холатида, чап билак ўрта учлиги, орқа юзасида, чап думба юқорги, пастки учлиги ташқи квадрантида бўйлама қийшиқ қонталашлари ва шиши бош юмшоқ тўқималари тери ости гематомаси каби тан жароҳатлари борлиги, ушбу тан жароҳатлари характери одатда оғирлик даражаси бўйича 6 кундан юқори 21 кунгача ҳисобланиб «Соғлигини бузилишига сабаб бўлган енгил» тан жароҳати эканлиги кўрсатилган.

Ушбу ҳолат бўйича Шўрчи туман СТЭБнинг 28.04.2020 йилдаги №236-сонли хулосаси Республика суд тиббий экспертиза илмий-амалий маркази



Сурхондарё вилояти филиалининг 03.06.2020 йилдаги №44-сонли қўшимча хулосаси билан қонуний деб тасдиқланган.

Суд мажлисида айбланувчи [REDACTED] ва жабрланувчи [REDACTED] ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Айбланувчи [REDACTED] суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқдор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчи билан бирон-бир тазйиксиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи [REDACTED] суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, [REDACTED] га нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 109-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқдор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд жабрланувчи [REDACTED] ва айбланувчи [REDACTED] нинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Шўрчи туман прокурорининг ёрдамчиси У.Хасанов ва ҳимоячи Б.Мирзакуловнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, айбланувчи [REDACTED] нинг муқаддам судланмаганлиги, айбига ихтиёрий иқдорлиги ва етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчи ва айбланувчига бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув айбланувчи ва жабрланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, [REDACTED] га нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи [REDACTED] га Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни;

- [REDACTED] га нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чорасини ажрим қонуний кучга киргач бекор қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддасининг 4-қисми, 585-586-моддаларига асосланиб, суд



А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан айбланувчи [REDACTED] [REDACTED] га нисбатан жиноят иши ярашилганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчи [REDACTED] га мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

[REDACTED] га нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ажрим устидан ўн сутка ичида шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи судья

(имзо)

М.Ҳакимов

Аслига тўғри

